
Кўп қаватли турар жойларни том қисмини тамирлаш бўйича маълумот.

Kun.uz нинг телеграм саҳифасида "Бошланган ишлар чала қолиб кетди" рукни остида берилган мурожаатга асосан қуйидагиларни маълум қиламиз.

Данғара туманида 61 та кўп қаватли уй-жойлар мавжуд бўлиб, ушбу уйларни 2020-2021 йиллар куз-қиш мавсумини беталофат ўтказиш мақсадида 8 та кўп қаватли уйларнинг том қисмини шифер қилиш, 5 та кўп-қаватли уйларнинг фасад қисмини жорий таъмирлаш, 4 та кириш йўлакларига темир эшиклар ўрнатиш, 16 та электр шитларини таъмирлаш, 4 та ертўла қисмидаги муҳандислик коммуникацияларини таъмирлаш, 3 та болалар майдончасини қуриш, 60 м² Ирригация тармоғини таъмирлаш 7 та гаражларни тартибга келтириш, 9 та кўча ёритиш мосламаларини ўрнатиш, ишларини амалга ошириш режалаштирилган.

2020-2021 йиллар куз-қиш мавсумини беталофат ўтказиш мақсадида 11 та кўп-қаватли уйларнинг том қисми шифер қилиниб, мукаммал таъмирланди. 9 та кўп-қаватли уйларнинг фасад қисмини жорий таъмирланди. 4 та кириш йўлакларига темир эшиклар ўрнатилди. 16 та электр шитлари таъмирланиб, қулуфтлар ўрнатилди. 4 та ертўла қисмидаги муҳандислик коммуникацияларини таъмирланди.

Халк банки данғара филиали тамонидан 6 та кўп қаватли уйларни том қисини мукаммал тамирлаш учун талаб этилган 448 миллион сўм кريدет маблағлари ажратиб бериш кечиктирилаётганлиги сабабли таъмирлаш ишлари якунига етмай қолмоқда. Ушбу масалани тез орада хал этиш бўйича тегишли мутассадди ташкилот раҳбарларига топшириқлар берилди.

2020-12-16 13:41:36